

БИЛИМДОН ОЛИМ, ДИЛКАШ МУРАББИЙ

ҒАФФОРОВ ШОКИР САФАРОВИЧ

*Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси
профессори, тарих фанлари доктори*



ИРИСҚУЛОВ ОЛИМЖОН ЖАҲОНГИРОВИЧ

*Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси
доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD).*



Термиз давлат университети мамлакатимиздаги етакчи илмий-маърифий марказлардан ҳисобланади, унинг бағридан етишиб чиққан мутахассислар орасида давлат ва жамоат арбоблари, таниқли шоиру адиблар ва забардаст олимлар бўлиб, улар жамиятимиз интеллектуал салоҳиятини янада оширишда муносиб хизматлари билан абадиётга дахлдордир.

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган тизимли ислохотлар туфайли бу даргоҳнинг довуғи жаҳон узра янада ошди ва бу даргоҳни битириб, турли соҳаларда фаолият юритаётган малакали мутахассислардан бир қанчаси ватанимиз истиқболи учун ифтихор туйғуси билан меҳнат қилишиб, тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шундай мутахассислардан бири тарихчи-этнограф олим ва педагог мураббий Сайпулла Нарзуллаевич Турсуновдир.

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич 1956 йил 10 майда Сурхондарё вилоятида

туғилган. Ўрта мактабни тамомлагандан сўнг 1977 йили М.Т.Ойбек номи Термиз педагогика институти тарих ва жамиятшунослик йўналишини имтиёзли тамомлаган. 1977 йил август-декабрь ойларида Шеробод туманидаги 28-сон умумий ўрта таълим мактабида тарих-жамиятшунослик фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Сайпулла Нарзуллаевич Турсунов 1978 йил январдан бошлаб Термиз Давлат педагогика институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1996 йилнинг февралдан Термиз давлат университети тарбиявий ишлар бўйича проректори, 1997 йил январидан 2002 йил январигача университет маънавий-маърифий ишлар бўйича I-проректори вазифасида ишлаган. 2002 йилдан “Жаҳон тарихи” кафедраси мудир, 2010 йил 18 февралдан Сурхондарё вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази раҳбари.

Сайпулла Нарзуллаевич Турсунов

ташкilotчи раҳбар бўлиш билан биргаликда тарих ва этнография соҳасида Республикада кўзга кўринган олим сифатида ўзининг илмий мактабига эга ҳисобланади. Сайпулла Нарзуллаевичнинг олим бўлиб шаклланишида Термиз давлат университети, Ўзбекистон фанлар академияси Тарих институти ва Самарқанд давлат университетининг хизмати катта. Сайпулла Нарзуллаевич йирик олимлар Р. Аминова, Х. Зиёев, А.Асқаров, К. Шониёзов, Д.Алимова, М.Жўракуловлардан ҳам илм сирлари бўйича маслаҳатлар олди ва профессор олим сифатида шаклланди.

Сайпулла Нарзуллаевич Турсунов 1985 йилда “Ўзбекистонда янги шаҳарларнинг ижтимоий иқтисодий тарихи” мавзусида тарих фанлари номзодлиги, 1995 йил майда “Ўзбекистон иқтисодиётида аграр секторнинг ривожланиши: муаммолар ва натижалар (1946-1965 й.й)” мавзусида тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияларни ёқлаган. 1999 йилда профессор, 2012 йил 6 майда Турон фанлар академияси Академиги илмий унвонини олган. Унинг илмий тадқиқот натижалари тарих фанининг илмий-амалий жиҳатларини ўрганишда кенг қўлланилмоқда.

С.Н.Турсуновнинг Миллий дастур талаблари асосида “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги уринишлар (1946-1965) ниятлар ва натижалар”, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлида”, “Ўзбекистон иқтисодиётида аграр секторнинг ривожланиши ва муаммолари”, “Сурхондарё тарих кўзгусида”, “Термизий буюк сиймолар”, “Термиз йилномаси”, “Сурхондарё тарихи”, “Ўзбекистон тарихи ва маданияти-Сурхондарё этнографияси”, “Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш”, “Шерободликлар”, “Сурхондарё вилояти топонимлари”, “Раҳбар маънавияти”, “Сюань-Дзань ва буддизм тарихига доир”, “Жарқўрғон”, “Денов”, “Бойсун”, “Хотира барҳаёт-Қадр мангу”, “Сурхондарё-этнографик макон”, “Маҳалла-мустақил юрт таянчи”, “Миллий маънавиятимиз ва баркамол авлод тарбияси”,

“Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи”, “Халқ ҳикматларининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти”, “Шеробод тарихидан лавҳалар”, “Шўрчи тарихидан лавҳалар”, “Сурхон воҳаси моддий маданияти тарихи”, “Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун”, “Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи”, “Термизий алломалар”, “Ўзбек миллий кураши: тарихи ва анъаналари” рангли албомъ китоб, “Ўзбек миллий кураши тарихи: анъаналари”, “Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи”, “Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи”, “Термизийларнинг илмий тафаккури”, “Имом Исо Термизий ва Термизий алломалар”, “Жарқўрғон тарихидан лавҳалар”, “Қумқўрғон тарихидан лавҳалар”, “Термиз шаҳри тарихи”, “Фрондан келган хатлар”, “Табиат, инсон, тафаккур”, “Ватан йўлида фидойи жонлар”, “Бахши” буклет, “Бандихон”, “Қизирик тарихи”, “Термиз тумани тарихи”, “Шаҳид кетган қатағон қурбонлари - Хотираси абадий” каби илмий тарихий монографиялари, “Сурхондарё тарихи”, “Сурхондарё этнографияси”, “Жаҳон тарихи” каби дарслик ва ўқув қўлланмалари ва 350 дан ортиқроқ илмий, услубий, ўқув ҳамда оммабоп мақолалари чоп этилган.

С.Н.Турсуновнинг бевосита раҳбарлигида “Сурхондарё тарихи”, “Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш Маркази”, “Сурхондарё вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази” раҳбари, бевосита унинг ташаббуси билан Олий Аттестацияси комиссиясининг рўйхатидан ўтган “Сурхондарё: илм ва тафаккур” илмий журнали ташкил этилди. Сайпулла Турсунов ушбу журналнинг бош муҳаррири вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

С.Н.Турсунов 2002 йил июлда Англиянинг Кембриж халқаро жамияти ва Англия Кембриж университети томонидан “XXI асрнинг машҳур 2000 олими” унвонига сазовор бўлди. Турсунов

Сайпулла Нарзуллаевич Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологиялар бошқармаси томонидан 2003 йил 27 январда “Сурхондарё тарихи”, 2004 йил 14 июнда “Ўзбекистон тарихи ва маданияти - Сурхондарё этнографияси”, 2010 йил 25 февраль “Сурхондарё – этнографик макон”, 2011 йил 8 февраль “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи”, 2012 йил 22 февралда “Сурхон воҳасида моддий маданият тарихи”, 2013 йил 25 февралда “Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи (жанубий ҳудудлар мисолида)”, 2015 йил 24 февралда “Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи”, “Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи”, 2017 йил “Сурхондарё вилояти экотуриزم салохияти”, 2021 йилдан “Боботепа-1”, “Боботепа-2” номли тасдиқланган давлат инновация грантлари совриндори, бундан ташқари “Сурхондарё-этнографик макон”, “Ўзбекистон жанубий ҳудудларида этномаданий жараёнлар”, “Ўзбекистон жанубий ҳудудларида моддий маданият” илмий йўналишларида инновацион дастурлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда ва ёш илмий тадқиқотчиларга раҳбарлик қилмоқда. Ҳозирги вақтда Англиянинг Кембриж халқаро биографик жамияти ва университети, Япониянинг Сока университети, АҚШнинг Бостон, Релиж, Франциянинг халқаро Археология-этнография институти билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

С.Н.Турсунов илмий ва маънавий ҳаётида ёш тадқиқотчиларга ибрат бўлиб келмоқда, ташаббускор, изланувчан, янги инновацион технологияларни жорий этишда ташаббускор устоз сифатида танилди.

Тарихчи-этнограф олим С.Н.Турсунов ўзининг кўп йиллик тадқиқот фаолиятида Ватанимизнинг этник ва маданият тарихидан гувоҳлик берувчи бой манбаларни тўплашга эришди. Фан учун қимматли бўлган бу манбаларни кунт билан ўрганган олим, юртимиз музофотларида, хусусан, Сурхон воҳасида содир бўлган этнография, фольклор ва миллий маданият туб, маҳаллий негизда меросий равишда вужудга келганлиги исботлаб беришга эришди. Бундан келиб чиқадики С.Н.Турсуновнинг мамлакатимиз тарихини яратишдаги муносиб хизматлари салмоқлидир. Унинг яратган асарлари ҳар доим Ватан ифтихори билан сугорилган, маънавий етуклик билан алоҳида ажралиб туради. Унинг илмий педагогик фаолиятини ўзига хос камтаринлиги, билимдонлиги, одамохунлиги, ҳар қандай шароитда қалби поклиги сингари илғор анъанавий фазилатлар беаб туради.

Биз тарих фанлари доктори, профессор, ёшларнинг дилкаш мураббийси Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич таваллудининг 70 йиллиги билан уни самимий табриклаймиз.

Мўътабар Тарихчи-этнограф олимга соғлиқ-саломатлик, узоқ-умр тилаймиз. Илмий-педагогик ишларида муваффақиятлар ҳамиша ёр бўлсин. Ватанимиз илм-фанининг ривожини йўлидаги фаолияти баракали ва самарали бўлсин.